



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“ХОРАЗМ ХЭТ” АЖ бош директори

 С.М.Берегин

“ 27 ” “ 09 ” 2022 йил

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

**ОБЪЕКТ НОМИ:** *"Хоразм худудий электр тармоқлари" АЖга таркибидаги Хазарасп туман электр таъминоти корхонаси маъмурий бино капитал таъмирлаш бўйича қўшимча қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш".*

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## **Танлов иштирокчиси учун йўриқнома**

### **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. *"Хоразм худудий электр тармоқлари" АЖга таркибидаги Хазарасп туман электр таъминоти корхонаси маъмурий бино капитал таъмирлаш бўйича қўшимча қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш".*

Қурилиш объектининг бошланғич қиймати ҚҚС билан бирга ҳисобланганда: **776 631 513** (*етти юз етмиш олти миллион олти юз ўттиз бир минг беш юз ўн уч*) сўм

1.1 Танлов охирги қиймати - **776 631 513** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун давомида амалга оширилади.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**2.1. "ХОРАЗМ ҲЭТ" АЖ** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

**"Буюртмачи" манзили: Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси 36/1 уй манзили**

Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2.Танлов **"ХОРАЗМ ҲЭТ" АЖ** "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

1). Ташкилот раҳбарининг мутахассислик бўйича олий маълумотга эгаллиги ҳамда қурилиш соҳасидаги иш стажини. Талаб қилинадиган хужжатлар (раҳбар бўлиб тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ, қурилиш соҳасидаги иш стажини, дипломи нусхаси ва [tu.mehnat.uz](http://tu.mehnat.uz) сайтидаги меҳнат дафтарчасидан кўчирма);

2). Доимий равишда ишловчи малакавий ишчилар тўғрисида маълумот. Талаб қилинадиган хужжатлар: Ишчи ходимларнинг малакасини тасдиқловчи сертификат, диплом, малака оширганлиги, қайта тайёрловдан ўтганлиги бўйича хужжатлар нусхаси. Ишчи ходимларнинг ушбу корхонада ишлашини тасдиқловчи [tu.mehnat.uz](http://tu.mehnat.uz) сайтидан олинган электрон меҳнат дафтарчаларидан кўчирма.

3). Танлов иштирокчисининг штат жадвали, ҳамда структураси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3.03.2014 йилдаги ПҚ-2137-сонли қарорининг 2а иловасига асосан тасдиқланган намунавий структурага асосан ташкили қилинганлиги;

Талаб қилинадиган хужжатлар: Директор, директор ўринбосари, бош механик, смета шартномачи, ишлар сифати бўйича муҳандис, геодезчи, молиявий иктисодий хизмат, бош бухгалтер, кадрлар бўлими, юрист қонсулт лавозимлари бўйича баҳолаш ҳар бир лавозимга максимал 1 та баллдан жами максимал 10 балл. Баҳолаш Қурилиш бўйича лавозимлар қласификаторига асосан баҳоланади, ишчи ходим иштирокчи ташкилотнинг [tu.mehnat.uz](http://tu.mehnat.uz) сайтидаги меҳнат дафтарчасидан кўчирма, [tu.mehnat.uz](http://tu.mehnat.uz) сайтидан обективка кўчирмаси ёки дипломи нусхаси юкланиши лозим.

4). Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги, Танлов эълонга бўлган давр оралиғида солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги [repository.soliq.uz](http://repository.soliq.uz) дастуридан олинган штрих кодли маълумотнома, Банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисидаги ваколатли ташкилотнинг маълумотномаси.

5). Корхонада балансида ёки ижара шартномасига асосан мавжуд бўлган, объектнинг лойиха хужжатларида келтирилган машина механизмлар ишлаб чиқарилган йили юк кўтариш қуввати кўрсатилган маълумотномаси ёки ижара шартномаси. Бошқа машина ва механизмлари мавжудлиги тўғрисида маълумотномаси мухирланган ва имзоланган кўринишда такдим қилинади.

6). Танлов иштирокчиси Давлат рўйхатдан ўтган сана ҳар йилга 1 баллдан (максимал 10 бал ташкилот гувоҳномаси юкланади)

7). Ташкилотнинг айланма маблағлар мавжудлиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига олинган банк малумотномаси (*хар бир 160 миллион айланма маблағга 1 та балдан максимал 10 балл*)

8). Халқаро ва миллий ISO сертификатлари мавжудлиги (<http://sifat.standart.uz> сайтида рўйхатдан ўтган халқаро ISO ва миллий ИСО сертификатининг хар биттасига 3 балдан

9). Охириги йил мобайнида танловга қўйилган қурилиш турига ўхшаш қурилиш ишлари қилинганлиги (*ГОСТ акт, ҳисоб варақ фақтура pdf шаклида юкланиши лозим*) Ташкилотнинг сўнги бир йилдаги иш ҳажми хар бир 300 000 минг сўм қурулиш фаолияти учун (1 та балдан максимал 10 балл)

10). Танлов иштирокчисининг бир йиллик ҳисобланган иш ҳақи жамғармаси: *Хар 25 миллион ҳисобланган иш ҳақи ҳажмига 1 та балдан ((максимал 5 балл) давлат солиқ қўмитасининг 4 шакл иловаси юкланиши лозим))*

11). Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси камида “СС” ва ундан йукори бўлган қурилиш ташкилотлари мазкур танловда қатнашишига руҳсат қилинади, электрон рейтинг даражаси “СС” дан паст бўлган ҳамда асосий фаолият соҳаси қурилиш бўлмаган оферентларга мазкур танловда қатнашишига руҳсат қилинмайди. *Қурилиш соҳасидаги рейтинги учун ((максимал 5 балл) (<https://reyting.mc.uz> сайтида С - 3 бал, СС -4 балл, ССС ва ундан юкори 5 балл)*

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

\* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

\* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсатилган кўрсатилган бўлиши керак

Танлов иштирокчилари хар бир таклифни яэлектрон тарзда [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Такдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларининг хаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан

эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

### КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси :



Ш.Э.Аллазаров

Харид комиссияси аъзолари :




О.И.Раджапов



С.Р.Ғайипова



Т.Ш.Матмуратов



А.Б.Каримов




М.Ш.Назаров



А.А.Каримов

Харид комиссияси котиби:



Д.Хасанов